

А Ж Р И М

(жазони оғирроқ жазога алмаштириш ҳақида)

2025 йил июль ойининг 10 куни жиноят ишлари бўйича Қўшработ туман судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб, раислик этувчи судья И.Хамидов, судья ёрдамчиси М.Ўсарбоеванинг котиблигида, томонлардан Қўшработ туман прокурорининг ёрдамчиси Ш.Саъдуллаев, Қўшработ туман ИИБ Пробаця гуруҳи инспектори Н.Исмаев ҳамда маҳкум О.Сориевларнинг иштирокида, жазони оғирроқ жазога алмаштириш тўғрисидаги 1-3-1408-2501/131-сонли материал кўриб чиқилди.

Маҳкум: Сориев Отабек Фахриддин ўғли (Soriyev Otabek Faxriddin o'g'li), 1995 йил 16 январь куни Самарқанд вилояти Қўшработ туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, муқаддам судланган, ишсиз, Қўшработ тумани “Дўстлик” маҳалласи Қўшоғоч қишлоғида яшовчига

нисбатан Қўшработ туман ИИБ бошлиғининг Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 46-моддаси 4-қисми тартибида тартибида ўталмаган жазосини оғир турдаги жазога алмаштириш ҳақидаги тақдимномаси билан танишиб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Маҳкум Сориев Отабек Фахриддин ўғлига жиноят ишлари бўйича Қўшработ туман судининг 2023 йил 15 ноябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 126¹-моддаси 7-қисми “ж” банди билан 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2025 йил 23 январдаги ажримига кўра ўталмай қолган 1 йил 5 ой 18 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖКнинг 74-моддасига асосан шу муддатга иш ҳақининг 20 фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган.

Тақдимномада, маҳкум О.Сориевга нисбатан чиқарилган ажрим ижро қилиш учун 2025 йил 27 январь куни Қўшработ туман ИИБ Пробаця гуруҳига ҳисобга олиниб, 2025 йил 29 январь куни маҳкум О.Сориевга жазони ўташ тартиб қоидалари, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 46-моддаси талаблари, яъни жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган ҳолда ўталмай қолган жазо турини озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилиши тўғрисида огоҳлантирилиб, 2025 йил 30 январь куни Қўшработ туманидаги “Қурилиш Мегаполис” МЧЖга ишга жойлаштирилган бўлсада, сабабсиз ишга чиқмаганлиги оқибатида 2025 йил 30 апрель куни ишдан бўшатилиб, 2025 йил 5 май куни суд томонидан қўлланилган жазони яна бир бор бузган тақдирда унга қўлланилган жазони Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 46-моддаси 4-қисмига асосан озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилиши тўғрисида огоҳлантириш интизомий жазоси тайинланганлигини, шунингдек О.Сориев 2025 йил 26 июнь куни камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими ходимлари томонидан тумандаги корхона, ташкилот ва муассасалар томонидан тақдим этилган бўш иш ўринлари



тўғрисида маълумотлар билан таништирилганида, О.Сориев Қўшработ туманидаги “Қурилиш Мегаполис” МЧЖда ишлаётганлиги тўғрисида ёлғон маълумотлар бериб таклиф қилинган ишларни рад қилганлигини, юқоридагиларга асосан жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2025 йил 23 январдаги ажрими ижросиз қолаётганлиги сабабли, маҳкум О.Сориев томонидан ўталмай қолган 1 йил 2 ой 18 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазо муддатини Ўзбекистон Республикаси ЖК 46-моддасининг 4-қисмига асосан оғирроқ жазо турига алмаштириш сўралган.

Судда сўралган О.Сориев ўз кўрсатувида, у туман ИИБ Пробация ходимларининг огоҳлантиришига қарамасдан бир-неча марта жазони ўташ қоидаларини бузганлигини тан олишлигини, қилмишидан пушаймонлигини, келгусида жазони ўташ тартибига тўлиқ амал қилишлигини, унга охирги марта имкон бериб тақдимномани рад қилишни сўради.

Суд, маҳкум О.Сориевни тақдимномани рад қилиш ҳақидаги кўрсатувларини, прокурор Ш.Саъдуллаев ва Қўшработ туман ИИБ Пробация бўлинмаси инспектори Н.Исмаатовнинг тақдимномани қаноатлантириш тўғрисидаги фикрларини эшитиб, қўйидаги асосларга кўра Қўшработ туман ИИБ бошлиғининг тақдимномасини қаноатлантиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг эски таҳрирдаги 46-моддаси 4-бандида, маҳкум суд томонидан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари муддатининг жами бўлиб ўндан бир қисмидан кўпроғини ўташдан бўйин товласа, суд ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмаган муддатини худди шу муддатга озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштириши, жазони ўташдан бўйин товланган вақт жазонинг ўталган муддатига қўшиб ҳисобланмаслиги белгиланган.

Маҳкум О.Сориев суд ҳукми билан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг жами ўндан бир қисмидан кўпроғини ўташдан бўйин товланганлиги иш ҳужжатларига қўшилган далолатнома, тушунтириш хатлари ва Қўшработ туман ИИБ бошлиғининг огоҳлантириш интизомий жазони қўллаш ҳақида расмийлаштирилган ҳужжатлар билан тўлиқ тасдиқланади.

Шу сабабли суд, маҳкум О.Сориевни жазони ўташ тартибини мунтазам бузганлигини инобатга олиб, мазкур тақдимномани қаноатлантириб, жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2025 йил 23 январдаги ажрими билан тайинланган маҳкум О.Сориев томонидан ўталмаган 1 йил 2 ой 18 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосини Ўзбекистон Республикаси ЖК 46-моддасининг 4-бандига асосан шу муддатга озодликни чеклаш жазосига алмаштиришни лозим топди.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 423, 539, 541-моддалари ва ЖИКнинг 113-моддаси тартибида

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Қўшработ туман ИИБ бошлиғининг тақдимномаси қаноатлантирилсин.

Маҳкум Сориев Отабек Фахриддин ўғли (Soriyev Otabek Faxriddin o'g'li)га жиноят ишлари бўйича Қўшработ туман судининг 2023 йил 15 ноябрдаги ҳукми билан тайинланган ва ўталмай қолган 1 (бир) йил 2 (икки) ой 18 (ўн саккиз) кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси Ўзбекистон Республикаси



ЖКнинг эски таҳрирдаги 46-моддаси 4-қисмига асосан шу муддатга озодликни чеклаш жазосига алмаштирилсин.

Маҳқум Сorieв Отабек Фахриддин ўғлига Қўшработ тумани “Дўстлик” маҳалласи Қўшоғоч қишлоғидаги яшаш уйидан келгусида иш ёки ўқишга кирган тақдирда иш ёки ўқиш вақти ва унга бориб-келиш вақтидан ташқари чиқиши бутунлай чеклансин.

Маҳқум Сorieв Отабек Фахриддин ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖК 48¹-моддасининг 3-қисмига асосан;

-озодликни чеклаш давомида муайян жойларга, яъни (кафе, бар, ресторанларга) бормаслик;

-назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик;

-Самарқанд вилоят ҳудудидан ташқарига чиқмасликдан иборат қўшимча чеклашлар юклатилсин.

Маҳқум О.Сorieвнинг чеклашларга риоя этиши устидан назорат олиб бориш Қўшработ туман ИИБ зиммасига юклатилсин ва жазони ўташ муддати маҳқум пробация гуруҳига ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ажрим эълон қилинган кундан бошлаб қонуний кучга кирган деб ҳисоблансин ва ажрим ижросини таъминлаш Қўшработ туман ИИБ бошлиғи зиммасига юклатилсин.

Ажримдан норози томонлар ажрим нусхасини олган кундан эътиборан шу суд орқали Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайътига кассация тартибида хусусий шикоят, прокурор хусусий протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

И.Хамидов

